ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» кафедраси

«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»

фанидан

амалий машғулотлар учун топшириқлар ва уларни бажариш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

5340900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши биринчи курс талабаларига мўлжалланган



Самарқанд - 2010

Ҳ.Н. Мусаев. Мутахассисликка кириш. Амалий машғулотлар учун топшириқлар ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмалар. – Самарқанд, СамИСИ, 2010, 23 бет.

Мазкур услубий иш «Мутахассисликка кириш» фанидан амалий машғулотларга мўлжалланган бўлиб фан дастурига асосан тайёрланган. Ишда амалий машғулотларда кўриб чиқиладиган мавзулар бўйича саволлар, кейслар ва ўз-ўзини текшириш учун саволлар келтирилган.

Услубий кўрсатмалар 5340900- «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши биринчи курс талабаларига мўлжалланган.

Тақризчилар: и.ф.н., доцент А.И. Аликулов (СамКХИ)
и.ф.н., доцент Д.Р. Рофеев (СамИСИ)

Кафедранинг 2010 йил 29 августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва маъқулланган (1-сонли баённома).

Институт ўқув-услубий кенгашининг 2010 йил 30 августдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия қилинган (1-сонли баённома).

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти, Ҳ.Н. Мусаев

«Таълим фақат сўз ва ўрганиш билан бўлади,
Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади».
Абу Наср Форобий

К И Р И Ш

Бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан мулк шакллари ўзгарди. Бу ўз навбатида янги шароитга мос келадиган мутахассислар тайёрлашни долзарб қилиб қўйди. Ҳозирги кунда кўпмулкчиликка асосланган корхоналар фаолиятида бухгалтерлар ва аудиторларнинг мавқеи янада ошиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётнини янада ривожлантириш, корхоналарнинг ресурсларидан самарали фойдаланиш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш масалалари ушбу мутахассислар олдига янгича вазифалар қўймоқда. Шу боис улар ўз мутахассисликларини мукаммал билишлари, касбий маҳоратлприни доимий равишда ошириб боришлари керак.

Институтда таҳсил олаётган 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бакалаврларнинг ўқув режасида «Мутахаассисликка кириш» фанини ўрганиш кўзда тутилган. Фаннинг мақсади бўлгуси мутахассисларга «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва методи, таълим соҳасининг ташкилий - ҳуқуқий асосларини ўргатишдан иборат. Фаннинг асосий вазифаси талабаларга олий таълим тизими, унинг турлари ва шакллари, ўқув жараёнида илғор педагогик технологиялар, ўқитишнинг ахборот манбалари, маърузалар, амалий машғулотлар ва мустақил ишларни ташкил қилиш тартиби билан яқиндан таништиришдан иборат.

Бакалавр даражасини олишга даъвогар бўлган «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабалари «Мутахассисликка кириш» фанидан қуйидагиларни билишлари зарур:

- Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг Кадрлар тайёрлаш сиёсатини мукаммал билиш.
- Мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш шароитида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг устивор йўналишларини билиш.
- Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тутган ўрни ва вазифаларини ўрганиш.
- Олий таълим тизими, унинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари, таълим турлари ва шакллари билан яқиндан танишиш.
- Ўқув жараёнида илғор педагогик технологияларнинг қўлланилиши билан танишиш.
- Таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар, назария билан амалиётнинг уйғунлашувини ўрганиш.

- Илмий рефератлар, курс ва битирув малакавий ишларни тайёрлаш тартиби билан танишиш.
- Фанларни ўзлаштиришда ахборот ресурс маркази захираларидан фойдаланишни билиш.
- Талабаларнинг мустақил иши, уни ташкил этиш шаклларини мукаммал билиш.
- Фанлардан талабалар билимининг назорат қилиниши, рейтинг мезонлари, уни ўтказиш тартиби билан танишишдан иборат.

«Мутахассисликка кириш» фани бошқа бир қанча фанлар билан узвий боғлиқдир. Шу боис талабалар мазкур фанни ўрганишда қуйидаги фанларга ҳам эътибор беришлари керак: «Ҳуқуқшунослик.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Иқтисодиёт назарияси», «Ўзбекистон тарихи», «Олий математика», «Информатика ва ахборот технологиялари», «Иқтисодий география ва экология», «Иқтисодий таълимотлар тарихи», Ўзбек тили» ва бошқа фанлар.

«Мутахассисликка кириш» фанини ўрганиш орқали талабалар бўлғуси касби тўғрисида батафсил маълумотга эга бўладилар, бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг вазифалари билан яқиндан танишадилар.

1. ФАН БЎЙИЧА МАШҒУЛОТ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ

Ўқув дастурига асосан «Мутахассисликка криш» фани бўйича машғулотларнинг турлари, уларга ажратилган соатлар қуйидагича (1-жадвал):

1-жадвал

Фан бўйича машғулот турлари ва уларнинг ҳажми

№	Машғулот тури	Ажратилган соат	Семестр
1	Назарий (маърузалар)	22	I
2	Амалий машғулотлар	24	I
3	Мустақил иш	28	I
	Жами:	74	

«Мутахассисликка кириш» фанидан маърузалар ва амалий машғулотлар ўзаро боғланган ҳолда ташкил этилади. Талабалар мавзулар бўйича айрим топшириқларни мустақил равишда бажарадилар. Мазкур фанга жами 74 соат вақт ажратилган бўлиб булардан 22 соати – маърузалар, 24 - соати амалий машғулотлар, 28 соати эса мустақил ишдан иборат. Амалий машғулотларнинг мавзулари ва уларга ажратилган соатлар қуйидагилардан иборат (2 - жадвал):

2 - жадвал

Амалий машғулотларга мўлжалланган ўқув юкламаси соатларининг мавзулар бўйича тақсимоти

№	Мавзу номи	Ажратилган соат
1	«Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва методи	2
2	Олий таълимда ўқув жараёни ва унинг бошқарилиши	2
3	Иқтисодиётни эркинлаштириш ва жадал ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тутган ўрни	2
4	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар	2
5	Фанларни ўқитиш методикаси ва шакллари	2
6	Ўқув жараёнида ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари	2
7	Фанларни ўрганишда техник воситалар ва ахборот манбаларидан фойдаланиш	2
8	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг амалий кўникмалари	2
9	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг илмий ахборотлари (рефератлари), курс ва битирув малакавий ишлари:	4
9.1	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг илмий ахборотлари (рефератлари)	2
9.2	«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг курс ва битирув малакавий ишлари	2
10	Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси	2
11	Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси	2
	Жами	24

II. ФАННИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ

Амалий машғулотлар. «Мутахассисликка кириш» фанидан амалий машғулотлар ўқув дастурида кўрсатилган мавзулар бўйича ўтказилади. Амалий машғулотларда олдинги мавзу бўйича уйга берилган топшириқларнинг бажарилиши назорат қилинади, кейин эса янги мавзу бўйича талабаларнинг қўйилган саволларга жавоблари эшитилади, улар давра суҳбати шаклида муҳокама қилинади. Шундан сўнг, янги мавзуга тегишли кейслар, хўжалик вазиятлар ва масалалар ечилади. Дарс якунида

амалий машғулот мавзуси бўйича талабалар томонидан эришилган натижалар умумлаштирилади ва ўзлаштириш натижалари баҳоланади,шунингдек келгуси амалий машғулот мавзуси ва уйга аниқ топшириқлар берилади. Амалий машқулотларда меъёрий ҳужжатлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, маъруза матнлари, кейслар ва хўжалик вазиятлардан фойдаланилади.

Талабаларнинг мустақил ишлари. Талабалар мустақил ишларни мавзулар ва берилган топшириқлар бўйича бажарадилар. Бунда улар ахборот-ресурс марказидаги манбалардан, меъёрий ҳужжатлар, услубий кўрсатмалардан, шунингдек «Интернет» тармоғи материалларидан кенг фойдаланадилар.

Мустақил ишлар қуйидаги турларга бўлинади:[1]

такрорлаш ва машқ қилиш – мавзу материалларини такрор-такрор ўқиб чиқиш, таҳлил қилиш,берилган топшириқларни (кейслар, масалалар, хўжалик вазиятларни) мустақил ечиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий кўникмалар ҳосил қилиш ва маълум тажрибани (малакани) шакллантириш;

янги билимларни мустақил ўзлаштириш – мавзу бўйича янги материалларни излаб топиш, конспектлаштириш, мустақил фикрларни шакллантириш;

ижодий мазмундаги ишлар - мавзуга оид мунозарали жиҳатларни излаб топиш, улар бўйича олимлар фикрларини ўрганиш ва конспектлаштириш, талабалар илмий тўгарагида (анжуманида) чиқиш қилиш учун янгича фикр, ғоя, усул ва услубларни ўзида мужассамлаштирган илмий реферат, мақолалар тайёрлаш.

Амалий машғулотларда педагогик технологиялардан: «фикрлар ҳужуми», «ақлий ҳужум», «блиц -ўйин», «кластер», «давра суҳбати», «тест-савол-жавоблар», «гуруҳ фикри», «якка фикр», «саволга ким тез ва тўғри жавоб беради», «кейсни ким олдин ва тез ечади», «хўжалик вазиятларни ким қандай ҳал этди» ва бошқа ўқитиш шакллари кенг қўлланади.

III. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИ МАВЗУЛАРИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИГАН САВОЛЛАР, КЕЙСЛАР, «ХЎЖАЛИК ВАЗИЯТЛАРИ», БОШҚА ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

«Мутахассисликка кириш» фани бўйича амалий машғулотлар ўқув дастуридаги мавзуларга асосан аниқ топшириқларни бажариш орқали амалга оширилади. Мавзу бўйича бажариладиган топшириқларнинг тури ва мазмуни маъруза жараёнида муҳокама қилинган саволлар билан узвий равишда боғланиб қўйилган саволларнинг муҳокамаси, алоҳида кейслар ёки хўжалик вазиятларни бажариш орқали амалга оширилади.

Амалий машғулотларда фан мавзулари бўйича кўриб чиқиладиган

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВнинг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби» тўғрисидаги Низоми .-Т.: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ЎМТВ, 2005 йил 21 феврал.

саволлар ва топшириқлар қуйидагилардан иборат:

1- Мавзу: «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва методи (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан « Мутахассисликка кириш» фанининг предмети, вазифалари ва методи тўғрисида назарий тушунчаларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Фан, фан предмети, фан объектлари.
2. «Мутахассисликка кириш» фанининг предмети ва объектлари
3. Мутахассислик, «Мутахассисликка кириш» фани, унинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги
4. «Мутахассисликка кириш» фанининг вазифалари
5. Педагог-бухгалтерни тайёрлашда «Мутахассисликка кириш» фанининг тутган ўрни.
6. «Мутахассисликка кириш» фанининг методи.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
1-кейс

«Мутахассисликка кириш» фанининг бошқа фанлар билан ўзаро боғланишини маълум кетма- кетликда ёзма равишда ифодаланг. Кейс шартларини бажаришда 5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг ишчи ўқув режаси маълумотларидан фойдаланинг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш.
2. Мавзу бўйича 1-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1.«Мутахассисликка кириш» фани нима, ушбу фан нима учун ўрганилади?
2. «Мутахассисликка кириш»фаннинг предмети нималардан иборат?
3. «Мутахассисликка кириш» фанининг вазифалари нималардан иборат?
4. «Мутахассисликка кириш» фанини ўрганишда қайси усуллардан кенг фойдаланилади?
5. «Мутахассисликка кириш» фани қайси фанлар билан узвий равишда боғлиқ?

2- Мавзу: Олий таълимда ўқув жараёни ва унинг бошқарилиши (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан олий таълимда ўқув жараёнининг мазмуни, шакллари ва уларнинг бошқарилиши билан боғлиқ бўлган назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Таълим, Олий таълим, унинг турлари
2. Олий таълимнинг вазифалари
3. Олий таълимда ўқув жараёнини ташкил қилиш
4. Олий таълимда ўқув жараёнини бошқариш
5. Олий таълимда факультет, деканатлар, уларнинг вазифалари
6. Олий таълимда кафедралар ва уларнинг вазифалари
7. Олий таълимда ўқув жараёнининг бошқарилиши.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
2-кейс

Олий таълим тизими, унинг хусусиятлари ва вазифаларини, Олий таълимнинг ҳуқуқий асослари – «Таълим тўғрисида» Қонун, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг мазмунини ёзма равишда ифодаланг. Олий таълимни бошқаришда деканатлар ва кафедраларнинг тутган ўрнига ўз муносабатингизни билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 2-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Таълим тизими, унинг таркиби нималардан иборат?
2. Олий таълим тизими, унинг хусусиятлари ва вазифаларини қандай тушинасиз?
3. Олий таълим босқичлари нималардан иборат?
4. Деканатлар ва кафедраларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
5. Олий таълимда ўқув жараёни қандай ташкил этилади?

3- Мавзу: Иқтисодиётни эркинлаштириш ва жадал ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тутган ўрни (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан иқтисодиётни эркинлаштириш ва жадал ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тутган ўрнига оид назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Бухгалтерия ҳисоби, унинг мазмуни ва вазифалари
2. Аудит, унинг вазифалари ва тафтишдан фарқи
3. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
4. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни.
5. Иқтисодиётни ривожлантиришда аудитнинг тутган ўрни ва вазифалари
6. Корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги, уни таъминлашда бухгалтерлар ва аудиторларнинг вазифалари

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
3-кейс

Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг моҳияти, вазифаларини ёзма равишда ифодаланг. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг тутган ўрнига муносабат билдиринг. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлларини ёзма равишда баён қилинг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 3-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Бухгалтерия ҳисоби нима, бухгалтер ким?
2. Аудитни қандай тушинасиз, аудитор ким?
3. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўналишлари нималардан иборат?
4. Иқтисодиётни ривожлантиришда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари нималардан иборат?
5. Иқтисодиётни ривожлантиришда аудиторлик хизмати нималарга

қаратилади?

4- Мавзу: «Бухгалтерия и ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанларнинг мазмунини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1.«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг намунавий ва ишчи ўқув режалари, уларнинг таркибий тузилиши
2. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг мазмуни
3. Умумкасбий ва ихтисослик фанлари, уларнинг ишчи ва ўқув дастурлари
4. Фанлар бўйича аудитория машғулотлари. Маърузалар ва амалий (семинар) машғулотлар
5. Фанлардан талабаларнинг мустақил ишларига ажратилган соатлар
6. Талабаларнинг амалиётлари.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
4-кейс

5340900 – «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналишининг ишчи ўқув режасига асосан умумкасбий ва ихтисослик фанлари блоки (бўлими)ни ажратинг ва улардан фанларни маълум кетма-кетликда ёзма равишда ифодаланг. Гуманитар фанлари блокига ўз муносабатингизни билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 4-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1.«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича ўрганиладиган фанлар қайси ҳужжатда келтирилган бўлади?
2. Аудитория машғулотлари, маърузалар ва амалий (семинра) машғулотларини қандай тушинасиз?
3. Ўқув режасида фан бўйича талабаларнинг мустақил ишлари қандай акс эттирилган?
4. Умумкасбий ва ихтисослик фанларига қайси фанлар киради?
5. Фан блокларидаги фанлар қандай кетма-кетликда ўрганилади?

5- Мавзу: Фанларни ўқитиш методикаси ва шакллари (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан фанларни ўқитиш методикаси ва шакллари бўйича олинган назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Ўқув машғулотларининг мазмуни ва турлари
2. Ўқитиш шакллари: кундузги ўқиш, сиртқи ўқиш, масофавий ўқиш.
3. Ўқитиш методикаси
4. Маъруза ва уни ўқитиш методикаси
5. Фан бўйича амалий ва семинар машғулотлари
6. Педагогик технологиялар, улардан фойдаланиш.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
5-кейс

Олий таълим тизимида ўқитиш шакллари, ўқув машғулотларнинг турларини ёзма шаклда ифодаланг. Маърузалар, амалий ва семинар машғулотларининг ўзаро боғлиқлиги ва фарқига ўз муносабатингизни билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 5-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1.Ўқув машғулотлари қандай турларга бўлинади, маъруза нима, амалий машғулот (семинар) нима?
2. Кундузги, сиртқи ва масофавий ўқитишни қандай тушинасиз?
3. Маърузалар қандай ташкил этилади?
4. Амалий ва семинар машғулотлари қандай ташкил этилади?
5. Педагогик технология нима, уни қандай тушинасиз?

6- Мавзу: Ўқув жараёнида ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабаларни ўқитишнинг илғор педагогик технологиялари билан таништириш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1.Ўқитишнинг педагогик технологиялари, уларнинг мазмуни ва қўлланилиши
2. Ихтисослик фанларини ўқитишдаги илғор педагогик технологиялар
3. Талабаларда замонавий педагогик технологияларга кўникмаларни шакллантириш йўллари
4. Педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «якка фикр», «фикрлар ҳужуми» усуллари ва уларни тайёргарлик кўриш
5. Ўқитишнинг «блиц-ўйин», «кейс» усуллари ва уларнинг машғулотларда қўлланилиши

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
6-кейс

«Мутахассисликка кириш» фанидан илғор педагогик технологияларни ёзма равишда изоҳланг. Ўқитишнинг «ақлий ҳужуи», «блиц-ўйин», «гуруҳ фикри» усулларига ўз муносабатингизни билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 6-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Ўқитиш технологиялари нима, уни қандай тушинасиз?
2. Ихтисослик фанларни ўрганишда ўқитишнинг қайси усуллари кенг қўлланилади?
3. «Ақлий ҳужум», «якка фикр» усуллари нима?
4. «Блиц-ўйин» усулини қандай тушинасиз?
5. Машғулотларда «гуруҳ фикри» усули қандай фойдаланилади?

7- Мавзу: Фанларни ўқитишда техник воситалар ва ахборот манбаларидан фойдаланиш (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабаларни ўқитишнинг техник воситалари билан таништириш ва ахборот манбаларидан фойдаланишни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Фанларни ўрганишда техник воситалар ва улардан фойдаланиш
2. Ихтисослик фанлари бўйича замонавий техник қуролларидан фойдаланишнинг хусусиятлари

3. Фанларни ўрганишда компьютер воситаларидан фойдаланиш ва унинг аҳамияти. Интернет тармоғи.
4. Фанларнинг ахборот манбалари ва улардан фойдаланиш
5. Дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва маърузалар матнларидан фойдаланиш.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
7-кейс

Фанларни ўрганишнинг ахборот манбаларини маълум кетма-кетликда ёзма равишда ифодаланг. Ўқув жараёнида техник воситалардан фойдаланиш, интернет тармоғнинг хусусиятларига ўз муносабатингизни билдиринг. Ўзингиз фойдаланаётган техник воситаларга изоҳ беринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 7-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Фанларни ўрганишнинг ахборот манбалари нималардан иборат?
2. Ўқув жараёнида техник воситаларидан фойдаланиш нималарга олиб келади?
3. Институтдаги ахборот ресурс марказининг вазифалари нималардан иборат, Сиз ундан қандай фойдаланасиз?
4. Ихтисослик фанларини ўрганишнинг ахборот манбалари қандай хусусиятларга эга?
5. Интернет тармоғи нима, Сиз ундан қандай фойдаланасиз?

8- Мавзу: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг амалий кўникмалари (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан таълим йўналиши бўйича касбий маҳоратнинг шаклланиши масалаларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1.«Бхгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг амалий кўникмалари ва касбий маҳоратларининг мазмуни
2. Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалари
3. Талабаларнинг маърузалар ва амалий машғулотлардаги касбий

кўникмалари
4. Талабаларнинг мустақил иш жараёнида амалий кўникмаларининг шаклланиши
5. Машғулотларда назария билан амалиётнинг уйғунлашуви

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
8-кейс

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши мутахассислигини ёзма равишда ифодаланг. Ушбу мутахассисликнинг назарий ва амалий хусусиятлари, фанларни ўрганишда касбий кўникмаларнинг шаклланишига эътибор беринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 8-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмаси нима?
2. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларнинг амалий кўникмаси хусусиятлари нималарда намоён бўлади?
3. Назария билан амалиётнинг уйғйнлашувини қандай тушинасиз?
4. Талабалар аудитория машғулотларида қандай амалий кўникмаларга эга бўладилар?
5. Талаба мустақил иш жараёнида қандай амалий кўникмага эга бўлади?

9- Мавзу: «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг илмий ахборотлари (рефератлари), курс ва битирув малакавий ишлари (4 соат)

9.1. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг илмий ахборотлари (рефератлари) (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабаларнинг илмий ахборотлари (рефератлари) тўғрисидаги назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1.Талабаларнинг фан мвзулари бўйича илмий ахборотлари (рефератлари), уларнинг мазмуни ва аҳамияти

2. Фанларни ўрганишда илмий ахборотлар (рефкератлар)нинг тутган ўрни
3. Илмий реферат мавзуларини танлаш тартиби ва режасини тузиш
4. Илмий рефератларни тайёрлаш тартиби. Рефератни тайёрлашда ахборот манбаларидан фойдаланиш
5. Илмий рефератини кафедрага тақдим қилиш ва ҳимоялаш

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
9-кейс

«Мутахассисликка кириш» фанидан алоҳида илмий ахборот (реферат) мавзусини танланг ва режасини тузинг. Рефератни тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларига муносабатингизни билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 9-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Илмий ахборот (реферат) нима?
2. Реферат мавзуси қандай танланади?
3. Реферат режасини тузиш тартиби қандай?
4. Рефератни тайёрлаш жараёни қандай кечади?
5. Реферат қандай ҳимоя қилинади?

9.2. «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши талабаларининг курс ва битирув малакавий ишлари (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабалар билан курс ва битирув малакавий ишларнинг моҳияти, аҳамияти ва тайёрланиш тартибига оид назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1.Талабаларнинг фанлардан курс ишлари, уларнинг мазмуни ва аҳамияти
2. Фанлар бўйича курс ишларини тайёрлаш тартиби.
3. Таълим йўналиши бўйича битирув малакавий ишлар.
4. Таълим йўналиши бўйича битирув малакавий ишлари, уларнинг мазмуни ва касбий маҳоратнинг шаклланишида тутган ўрни.

5. Битирув малакавий ишнинг мавзусини танлаш ва режасини тузиш тартиби
6. Битирув малакавий ишини тайёрлаш босқичлари ва ҳимояси.

Мавзу бўйича қуйидаги кейслар бажарилади:
10 – кейс

«Иқтисодиёт назарияси» фани бўйича курс иши мавзусини танланг ва режасини тузинг. Курс ишини тайёрлаш жараёни, унинг ҳимоясини ёзма равишда ифодаланг. Курс ишининг фан мавзуларини мустақил равишда ўрганишдаги аҳамиятини изоҳланг.

11 – кейс

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» таълим йўналиши бўйича битирув малакавий иши мавзусини танланг, унинг режасини тузинг. Битирув малакавий ишни тайёрлаш, ҳимояга тақдим этиш ва ҳимоя жараёнини ёзма равишда ифодаланг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 10 ва 11-кейсларни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Фанлар бўйича курс ишлари нима, улар нима учун бажарилади?
2. Курс ишларининг мавзулари қандай тайинланади ва режаси қандай тузилади?
3. Курс ишларини тайёрлаш тартиби қандай?
4. Таълим йўналиши бўйича битирув малакавий иш қандай тайёрланади?
5. Битирув малакавий ишининг ҳимояси қандай амалга оширилади?

10- Мавзу: Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабаларга мустақил ишининг моҳияти, турлари, уни ташкил қилиш ва назорати масалаларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва аҳамияти
2. Мустақил ишларининг турлари ва шакллари
3. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш
4. Мустақил ишларни тайёрлаш тартиби
5. Мустақил ишларнинг баҳоланиши

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
12 – кейс

Талабаларнинг мустақил ишлари мазмуни, турлари ва бажарилиш тартибини ёзма равишда ифодаланг. Ишни бажаришда талабаларнинг касби бўйича амалиётни ўташ масалаларига эътибор беринг. Амалиёт бўйича ҳисобот мазмунини изоҳланг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
6. Мавзу бўйича 12-кейсни бажариш
7. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
8. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Талабанинг мустақил ишини қандай тушинасиз?
2. Талаба мустақил ишининг турларини изоҳлаб беринг.
3. Алоҳида фан бўйича мустақил иш қандай бажарилади?
4. Талабаларнинг мустақил ишлари қандай ташкил этилади?
5. Талабаларнинг мустақил ишлари қандай назорат қилинади ва баҳоланади?

11- Мавзу: Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш методикаси (2 соат)

Машғулотнинг мақсади: Талабаларнинг фанлардан билимларини аниқлаш ва баҳолаш мезонларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

Муҳокамага қўйилган саволлар:

1. Талабалар билимини назорат қилиш тартиби
2. Фанлардан талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими
3. Талабалар билимининг жорий ва оралиқ назорати, уларни баҳолаш мезонлари
4. Талабалар билимининг якуний баҳоланиши
5. Фан бўйича талабанинг рейтингини аниқлаш тартиби.

Мавзу бўйича қуйидаги кейс бажарилади:
13 – кейс

Талабаларнинг фанлардан рейтинг тизими мазмунини ёзма равишда ифодаланг. Жорий назорат, оралиқ назорат ва якуний назоратнинг мазмунини ёритинг. Талабанинг фан бўйича рейтинги масаласига муносабат билдиринг.

Машғулот мавзуси бўйича топшириқлар:

1. Қўйилган саволлар бўйича муносабат билдириш, масаланинг ечимини аниқлашда педагогик технологиянинг «ақлий ҳужум», «фикрлар ҳужуми», «якка фикр», «гуруҳ фикри» усулларидан кенг фойдаланиш
2. Мавзу бўйича 13-кейсни бажариш
3. Маъруза саволлари мазмунини ёзма равишда ифодалаш.
4. Мавзу бўйича мустақил иш саволларини ўрганиш.

Ўз-ўзини текшириш учун саволлар:

1. Талабанинг фанлардан билим даражаси қандай аниқланади ва баҳоланади?
2. Фан бўйича рейтинг тизими нима?
3. Талаба билимини жорий назорат қилиш қандай амалга оширилади?
4. Оралиқ ва якуний назорат нима?
5. Фан бўйича талабанинг рейтинги қандай аниқланади?

IV. ФАННИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Т.: 1997 йил 29 август
3. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури».Т.: 1997 йил 29 август
4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни.Т.: 1996 йил 30 август
5. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.Т.: 2000 йил 26 май
6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълим тўғрисидаги Низоми», 1998 йил 30 октябр, 305 –сонли буйруқ
7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий ўқув юртлари кафедралари тўғрисида Низоми», 1998 йил, 5 декабр, 343-сонли буйруқ
8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Давлат олий ўқув юртининг намунавий устави тўғрисида»ги 1999 йил,15 январ, 15-сонли буйруғи
9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Таълим сифатини оширишга қаратилган инновациялар тўғрисида»ги 2003 йил 14 май, 115-сонли буйруғи
10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисидаги Низоми», 1998 йил 10 июль, 185-сонли қарор
11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Талаба мустақил ишини ташкил этиш тўғрисида»ги 2005 йил 21 февралдаги 34-сонли буйруғи
12. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг «Талабалар билимини рейтинг тизими асосида баҳолаш натижаларини расмийлаштириш, қайдномалар, журналларни юритиш ва назорати тўғрисидаги йўриқнома»си (2007 йил январ)
13. Каримов И.А. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1Х сессиясида 1997 йил 29 августдаги сўзлаган нутқи. – Ш. Қурбонов ва бошқалар. Баркамол авлод орзуси («Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни амалга ошириш борасидаги публистик мулоҳазалар).-Т.: «Шарқ»нашриёт-матбаа концерни, 1998
14. Каримов И.А. Юксак маънавият –енгилмас куч.-Т.: «Маънавият», 2008
15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби.-Т.:

«Ўзбекистон», 1997
16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.: «Ўзбекистон», 1998
17. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: «Ўзбекистон», 1995
18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.-Т.: «Ўзбекистон», 2009, 56б
19. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.-Халқ сўзи, 2010 йил 30 январ
20. Бекмуродов А.Ш., Голиш Л.В., Ҳошимова Д.П. Таълимнинг кейс-технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.-Т.: ТДИУ, 2009
21. Жониматова Х. Абу Али Ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Ўқув қўлланма.-Т.: «Ўқитувчи», 1990
22. Қудратов Р.Ҳ., Мусаев Ҳ.Н. Туризм бизнеси учун рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари.-Халқаро илмий-амалий конференция материаллари: «Проблемы образования и занятости молодежи», Самарқанд, СамИСИ, Менежментни ўқитиш Халқаро Маркази, 2007 йил 20-21 декабр
23. Қурбонов Ж.М. Илмий изланиш асослари. Маъруза матнлари. Самарқанд, СамКИ, 2003
24. Ходиев Б.Ю.,Голиш Л.В. Мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усул ва воситалари (биринчи босқич талабаларига ёрдам тариқасида). Таълимда инновацион технологиялар.-Т.: ТДИУ, Инновацион таълим технологиялар Маркази , 2010.
25. Ходиев Б.Ю. Голиш Л.В.,Рихсимбоев О.К. Кейс-стади-иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси: Илмий –услубий қўлланма / «Замонавий таълим технологиялари» туркуми.-Т.: ТДИУ, 2009.
26. Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш., Болтабоев М.Р. ва бошқалар. Илмий – тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик асослари: Ўқув –услубий қўлланма.-Т.: Экономика, 2010.

Қўшимча адабиётлар

27. Абдуллаев Р.А. Бухгалтерский учет и аудит. Учебное пособие. – Т.: «Иқтисод –молия», 2010
28. Мусаев Ҳ.Н. Аудит. Дарслик. – Т.: Молия, 2003
29. Мусаев Ҳ.Н. Хизмат кўрсатиш ва сервис ривожи мутахассислар салоҳиятига ҳам боғлиқ.-«Халқ сўзи», 2006 йил 30 июл
30. Мусаев Ҳ.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисоби.-Бозор, пул ва кредит, 2005, №4, 54-56 бетлар
31. Мусаев Ҳ.Н.-Иқтисодий ислоҳотлар жараёнида аудит.- Бозор, пул ва кредит, 1998, №5, 56-57 бетлар
32. Мусаев Ҳ.Н., Зайналов Ж.Р. Реформирование системы подготовки специалистов в Республике Узбекистан.-Материалы международной научно-практической конференции: «Проблемы теории и практики

экономической безопасности страны». Украина, Полтавский университет потребительской кооперации. Полтава, 24-25 апреля 2007 г, с. 165-167.
33. Мусаев Ҳ.Н. Баркамол авлод-юрт келажаги.-Халқ сўзи, 2010 йил 2 феврал.
34. Уразов К.Б. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит. -Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи» 2004
35. Тошназаров С.Н. Халқаро ҳисоб асослари. – Самарқанд, СамИСИ, 2008

Сайт ва электрон почталар

1.http: //www. Apb. org.uk (Auditing Practices Board)
2.http: //www.nao gov.uk (UK National Audit Office)
3.http: //www. iia.org.uk (The Institute of Internal Auditors-United Kingdom)
4. http: //www. org.uk (International Accounting Standart Committee)
5. http: //www. Aicpa org/index htm (Amerikan institute of Certified Publik Accountants)
6.Ismoilov. rambler. ru
7. www.uza.us.apb (УМА турли соҳаларга доир кундалик янгиликлари)
8. www.cer.uz. (Иқтисодий изланишлар маркази)
9 . www.pravo.eastink. uz . (Иқтисодий қонунлар тўплами)
10. www. uzperort. com. (Кундалик бизнес янгиликлари)

V. ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИВ ВОСИТАЛАРИ

- жихозлар ва ускуналар, мосламалар: компьютер, видеопроектор, электрон доска, кодоскоп, слайдлар
- видео-аудио ускуналар: видеокамера;
- компьютер ва мультимедиали восита: компьютер, видеоглазок; саб-буфер.
- Кўргазмали қуроллар: меъёрий ҳужжатлар, слайдлар.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш…….. 3

I .ФАН БЎЙИЧА МАШҒУЛОТ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАЗМУНИ..... 4

II. ФАННИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА ЎТКАЗИШ 5

III. “МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ» ФАНИ МАВЗУЛАРИДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛАДИГАН САВОЛЛАР, КЕЙСЛАР, «ХЎЖАЛИК ВАЗИЯТЛАРИ», БОШҚА ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР 6

IV. ФАННИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИ.....19

V. ЎҚИТИШНИНГ ДИДАКТИВ ВОСИТАЛАРИ ..... .21

МУСАЕВ ҲАСАН НАРЗИҚУЛОВИЧ

«МУТАХАССИСЛИККА КИРИШ»

фанидан амалий

машғулотлар учун топшириқлар ва уларни бажариш бўйича

Услубий кўрсатмалар

Самарқанд ш.
Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институти.
Институт босмахонаси.
Шоҳрух кўчаси, 60 уй.

Буюртма №
Ҳажми 23 б.т.
Адади 30 нусхада.